

махсус ахборот порталида лот рақами 22110012045531-сон бўлган электрон давлат харидлари натижалари бўйича товарларни етказиб бериш учун

Тошкент шаҳар

« 24 » март 2022 йил

“SILVER STAR PRINT” мчж (бундан буён “Ижрочи” деб юритилади) номидан асосида иш юритувчи Ш.А.Болтаев бир томондан ва “Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган тахририяти (бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади) номидан иш юритувчи Б.Шодиев иккинчи томондан (иккаласи биргаликда “Тарафлар” деб юритилади) куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган **1-иловада** кўрсатилган полиграфия маҳсулотларини (кейинги ўринда “маҳсулотлар” деб юритилади) чоп этиш, Буюртмачи эса мазкур полиграфия маҳсулотлари (хизматлари) учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Маҳсулотларни ёки уларнинг бир қисмини тайёрлаш учун Буюртмачи Ижрочига буюртма(лар) беради. Маҳсулотлар олиб кетишга тайёр (ўрамланган) ҳолатга келтирилганда полиграфия маҳсулотлари тайёрланган (хизматлар кўрсатилган) ҳисобланади.

2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси **45 885 000 сўм 0** тийинни ташкил қилади.

2.2. Мазкур шартнома бўйича тўловлар буюртмада кўрсатилган маҳсулотларни чоп этишга киришишдан олдин амалга оширилади. Ижрочининг розилиги билан буюртма қилинган маҳсулотлар умумий қийматининг **15%** олдиндан, қолган **85 %** миқдоридagi маблағ, маҳсулот етказиб берилгандан сўнг кўрсатилган ҳисоб-фактурага асосан 5 иш кунида тўланади.

2.3. Полиграфия хизматлари учун тўловлар Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тўловларни амалга оширишда (банк операцияларида) Буюртмачининг айби билан Ижрочига зарар етказиладиган бўлса, бундай зарар Буюртмачи томонидан қопланади.

2.4. Буюртмачининг ўз буюртмасида алоҳида маҳсулот турининг Шартномада белгиланган (1-илова) ададини (тиражини) камайтиришни назарда тутиши ушбу маҳсулотлар нархининг ошишига сабаб бўлиши мумкин.

2.5. Шартноманинг **15%** олдиндан, Молия Вазирлиги ғазначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг 10 сутка давомида тўланади.

2.6. Шартнома ва маҳсулотларнинг янги нархининг белгиланиши шартномага киритилган ўзгартириш ҳисобланади ва шартноманинг 8.1.-бандида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Буюртмачи томонидан тўловлар амалга оширилгунга қадар хизмат кўрсатмаслик ёки чоп этилган маҳсулотларни ёхуд уларнинг бир қисми буюртмачига тақдим этмасдан, ўзида сақлаб туриш;

3.1.2. Шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятларнинг бир қисмини учинчи шахсларга (ёрдамчи пудрадчиларга) топшириш;

3.1.3. Буюртма қилинаётган полиграфия маҳсулотида ошкор қилиниши Ўзбекистон қонунлари билан таъқиқланадиган одоб-ахлоқ қоидаларига хилоф бўлган маълумотлар мавжуд бўлса ёки ушбу маълумотларнинг қонунийлиги Ижрочида шубҳа туғдирса, мазкур буюртмани

чоп этишни рад қилиш ва қилинган харажатларни талаб қилиш. Бунда ижрочи рад қилиш хусусида қарорга келганлигининг ҳуқуқий асосини келтиришга мажбур эмас.

3.1.4. Полиграфия маҳсулотини (хизмати кўрсатилгандан) тайёрлангандан сўнг маҳсулотларининг олиб кетилишини Буюртмачидан талаб қилиш;

3.2. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Полиграфия маҳсулотларига бўлган муаллифлик ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини сақлаб қолиш.

3.2.2. Полиграфия хизмати кўрсатиш охирига етгунга қадар, буюртмани қайтариб олиш. Буюртма қайтариб олинган тақдирда Буюртмачи Ижрочининг ушбу буюртмани ижро этиш борасида қилган харажатлари ва бой берилган фойдани қоплаш мажбуриятини сақлаб қолади.

3.2.3. Ижрочининг рухсати билан, унинг иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда маҳсулотларни чоп этиш сифатини кузатиб бориш.

3.2.4. Маҳсулотни чоп этишга киришгунга қадар унга ўзгариш ва кўшимчалар киритиш. Бундай ўзгариш оригинал макетда акс эттириб, буюртмачи томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

3.3. Ижрочи қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

3.3.1. Буюртмачининг розилигисиз полиграфик маҳсулотларга ўзгартириш киритмаслик;

3.3.2. Буюртмаларни шартномада назарда тутилган сифатларга жавоб берадиган полиграфик маҳсулотлардан ва технологиялардан фойдаланган ҳолда бажариш;

3.3.3. Буюртмачинининг розилигиз ижрочининг маҳсулотларга бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқида фойдаланмаслик;

3.3.4. Зиммасидаги мажбуриятларни оқилона муддатда бажариш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

3.4.1. Полиграфия маҳсулотлари оригинал макети ва техник тафсилотлари давлат стандартига мослигини таъминлаш ва келажакда чоп этилган маҳсулотларнинг давлат стандартларига номувофиқлиги юзасидан келиб чиқадиган зиённи қоплаш;

3.4.2. Зиммасидаги мажбуриятларни оқилона муддатда бажариш;

3.4.3. Маҳсулотнинг олиб кетишга тайёрлиги хусусида хабарни олган кундан эътиборан 5 сутка ичида маҳсулотларни олиб кетиш;

Тайёр маҳсулотларни белгиланган муддат ичида олиб кетмаса, уларни ҳар бир суткада сақлаганлик учун Ижрочига сақланаётган маҳсулотлар шартномавий қийматининг 0,1 фоизи миқдориди ҳақ тўлайди.

3.4.5. Буюртма тайёр бўлгандан сўнг мажбурий нусхаларни етказиб беришни ўз зиммасига олади.

4. БУЮРТМАЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

4.1. Буюртмачи шартномада назарда тутилган (1-Илова) полиграфия маҳсулотларини (ёки унинг бир қисмини) чоп этиш учун буюртма беради. Буюртма ёзма равишда ифодаланиб, унда шартнома (қўшимча келишув) рақами, маҳсулотларининг техник тавсифи, нархи ва сони хусусидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

4.2. Буюртмага чоп этилиши сўралаётган маҳсулотнинг оригинал макети электрон ва Буюртмачи томонидан тасдиқланган қоғоз вариантлари илова қилинади. Оригинал макетдаги орфографик, стилистик хато ва камчиликларга, матн мазмунига Буюртмачи жавобгар ҳисобланади. Ижрочининг талабига кўра, Буюртмачи буюртма қилинаётган маҳсулотни нашр қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхасини илова қилади.

4.3. Полиграфия хизматини амалга ошириш учун зарур бўлган хом-ашё материаллари (қоғоз, бўёқ, пластина ва ҳ.к.) Ижрочи ҳисобидан ишлатилади. Агар Ижрочи бундай хом-ашё материалларининг ўзида мавжуд эмаслиги ёки етарли миқдорда мавжуд эмаслигини билдирса, Тарафлар етишмаётган хом-ашё материалларининг Буюртмачи ҳисобидан ишлатилиши ва уни буюртма суммасидан чиқариб ташлаш хусусида олдиндан (яъни бундай хом-ашё материаллари Ижрочи томонидан қабул қилинишидан илгари) келишиб олишлари лозим.

4.4. Ижрочи Буюртмачидан буюртма ва маҳсулотнинг тасдиқланган оригинал макети ва электрон файлини қабул қилиб олган вақтдан бошлаб, 10 иш кунидан кечиктирмасдан

полиграфия хизматини амалга оширади. Маҳсулотнинг оригинал макетига мослиги ва чоп этиш сифатига Ижрочи жавобгар ҳисобланади. (Принтерда чоп этилган оригинал макет билан офсет усулида чоп этилган маҳсулотнинг фарқи инобатга олинади.)

4.5. Полиграфия хизмати кўрсатиб бўлганидан кейин 2 иш куни ичида Маҳсулотларни олиб кетиш ҳақида Буюртмачини хабардор қилади. Хабар бериш ҳар қандай усулда бўлиши мумкин.

5. МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ –ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Кўрсатилган полиграфия хизматини (маҳсулотларини) қабул қилиш Ижрочининг омбори ёки у кўрсатган бошқа жойда далалатнома ёки юк хати тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

5.2. Буюртмачи маҳсулотнинг оригинал макетига мос эмаслиги ва чоп этиш сифатининг қониқарсизлиги хусусидаги эътирозларини полиграфия маҳсулотларини қабул қилгандан кейин 7 сутка ичида шунингдек, ушбу маҳсулотларнинг миқдори ва чоп этилгандан кейин сақланиши борасидаги эътирозларини полиграфия маҳсулотларини қабул қилиб олгунга қадар билдириши мумкин.

5.3. Ижрочи ўз жавобгарлиги доирасида йўл қўйган камчиликларини 10 сутка ичида бартараф қилишга мажбур.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Буюртмачи кўрсатилган полиграфия хизмати учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда Ижрочига пеня тўлайди.

6.2. Ижрочи буюртмани ўз вақтида бажармаган ҳолларда ҳар бир бажарилмаган кун учун бажарилмаган мажбуриятнинг 0,4 %, лекин бажарилмаган мажбуриятнинг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда Буюртмачига пеня тўлайди.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигига форс-мажор ҳолатлари сабаб бўлса, жавобгарликнинг бажарилиши мумкин бўлмаган қисми бўйича жавобгарликдан озод қилинадилар.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ёзма келишувига мувофиқ амалга оширилади.

8.2. Тарафлардан бирининг шартнома мажбуриятларини ҳар қандай сабабга кўра бажармаслиги бошқа тарафга шартномани бир томонлама бекор қилишга асос бўлади.

8.3. Шартноманинг бекор бўлиши Ижрочи томонидан қабул қилинган буюртмаларни бажаришга тўсқинлик қилмайди, шунингдек, Ижрочини бажарилган полиграфия хизматлари учун олинмай қолган ҳақни талаб қилиш ва Буюртмачини амалга оширган тўлови учун полиграфик хизматни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

8.4. Шартноманинг 3.1.3. бандида назарда тутилган ҳолат юз берганида Ижрочи шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

9.1. Шартномани бажариш жараёнида келиб чиққан низолар энг аввало амалдаги қонунларга мувофиқ тарафлар келишув билан ҳал қилинади.

9.2. Агар низо ўзаро келишув билан ҳал қилинмаса, тарафлар ёки улардан бири судга мурожаат қилиши мумкин.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1.Шартнома тузилган (тарафлар томонидан имзоланган) вақтдан бошлаб, 31 декабрь 2022 йилга қадар кучда бўлади.

10.2. Шартноманинг амал қилиш муддати туганидан сўнг, ушбу шартнома бўйича буюртмалар қабул қилинмайди. Шартноманинг амал қилиш муддати тугунга қадар қабул қилинган буюртмалар шартнома муддатининг тугаганлиги муносабати билан бажарилмасдан қолдирилиши мумкин эмас.

10.3.Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

11. ТАРАФЛАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

11. ТАРАФЛАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Буюртмачи:

“Гулистон” ва “Театр”
бирлашган таҳририяти

журналлари

Ижрочи:

“SILVER STAR PRINT” МЧЖ

Манзил: Тошкент ш. Навои кўчаси, 30 уй
Телефон: (99871) 244-74-19, 244-34-65
Х/Р: 400 110 860 262 777 084 300 056 001
СТИР: 307 774 449 МФО: 00014
Молия вазирлиги Ҳазначилиги
Каз/сч: 23 402 000 300 100 001 010
МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014
СТИР: 201122919

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани 23-
мавзе, 47-уй, 45-хона
х/р20208000600371504001
СТИР: 303001178
НДС гувоҳномаси 326100023831
МФО: 01084
Тел: 99-019-24-00, 97-742-17-41

Раҳбар:

Б.А.Шодиев

Раҳбар:

Ш.А.Болтаев



Юристконсульт

У.Бурхонов

Юристконсульт



Н.А.Болтаев

Махсус ахборот порталида лот рақами 22110012045510-сон бўлган 2022йил 24 мартдаги 13-сонли шартномага 1-сонли илова

Бажарилаётган ишнинг хусусияти

Т/р	Бажариладиган ишлар	Ўлчов бирлиги	сон	Бир донасининг нархи	Умумий нарх	ҚҚС		Умумий нарх ҚҚС билан
						Ставка %	сумма	
1	Театр журналлари чвоп этиш №1-2022	Дона	3500	11400	39 900 000	15	5 985 000	45 885 000
жами								45 885 000

Жами сумма: 45 885 000 (Қирк беш миллион саккиз юз саксон беш минг) сўм 00 тийин ҚҚС билан

Раҳбар:  Б.А.Шодиев
 М.У. 
 Юристкаонсулт У.Бурхонов

Раҳбар:  Ш.А.Болтаев
 М.У. 
 Юристкаонсулт Н.А.Болтаев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 45531 на приобретение "Театр" журналы
2022 йил 1-сонини чоп этиш бўйича**

Способ проведения электронный

Дата 16.03.2022

Время рассмотрения 16.03.2022 14:21

Конкурсная комиссия Гулистон, Театр ва Мозейдан садо журналлари бирлашган тахририяти, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SULTONOV ISLOM ISLAMOVICH	Менеджер	"Гулистон" ва "Театр" журналлари бирлашган тахририяти
Член комиссии	JANTAYEV KAMIL NIYAZOVICH	Масъул котиб	"Гулистон" ва "Театр" журналлари бирлашган тахририяти
Секретарь комиссии	ABDURAXMONOV SHERZOD ISLOM O'G'LI	Таржимон	"Гулистон" ва "Театр" журналлари бирлашган тахририяти
Член комиссии	URMONOVA MAVLYUDA XXX	Бош ҳисобчи	"Гулистон" ва "Театр" журналлари бирлашган тахририяти
Член комиссии	IMOMOVA SHAHRIBONU KOMILOVNA	Бош муҳаррир ўринбосари	"Гулистон" ва "Театр" журналлари бирлашган тахририяти
Член комиссии	XODJAYEV ABDUMAVLYAN ABDURAXMANOVICH	Бўлим мудир	"Гулистон" ва "Театр" журналлари бирлашган тахририяти

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.03.2022 года № лота 45531.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги типографий
Подробное описание	"Театр" журналининг 2022 йил 1-сонини чоп этиш танловида энг арзон ва сифатли махсулот учун таклифлар танланади
Количество товара	2 500.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 000.00
Стартовая сумма	37 500 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара	Услуги типографий
----------------------------	--------------------------

(работы, услуги)	
Подробное описание	"Театр" журналинг 2022 йил 1-сонини чоп этиш танловида энг арзон ва сифатли махсулот учун таклифлар танланади
Количество товара	1 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 000.00
Стартовая сумма	15 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчининг журнал макетини тақдим этиши

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MChJ SILVER STAR PRINT	10	1	10	Экспертная		
ООО PRINT-MAKON	10	1	10	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчининг хуқуқий фаолияти тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MChJ SILVER STAR PRINT	10	1	10	Экспертная		
ООО PRINT-MAKON	10	1	10	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчининг молиявий фаолияти тўғрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MChJ SILVER STAR PRINT	10	13110	10	Экспертная		
ООО PRINT-MAKON	10	14500	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
МШЖ SILVER STAR PRINT	52 500 000.00	45 885 000.00	11.03.2022 16:39:56	100.00
ООО PRINT-МАКОН	52 500 000.00	50 750 000.00	14.03.2022 15:48:42	90.41

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
МШЖ SILVER STAR PRINT	Прошел	100	100
ООО PRINT-МАКОН	Прошел	90.41	90.41

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 45531 от 16.03.2022 года на приобретение "Театр" журналы 2022 йил 1-сонини чоп этиш бўйича определила победителем:

МШЖ SILVER STAR PRINT
303001178

и резервный исполнитель: ООО PRINT-МАКОН (308400421)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	JANTAYEV KAMIL NIYAZOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	SULTONOV ISLOM ISLAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	IMOMOVA SHAHRIBONU KOMILOVNA	Согласен	
Член комиссии	URMONOVA MAVLYUDA XXX	Согласен	
Член комиссии	XODJAYEV ABDUMAVLYAN ABDURAXMANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП